



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2002 йил 25 сентябрь, чоршанба

№77 (11.465)

Эркин нархда сотилади

ПРЕЗИДЕНТЛАР УЧРАШУВИ

24 сентябрь. Вильнюс. (ЎЗА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади).

Литва Президенти қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Юксак мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф торди. Икки давлат мадҳиялари янгради.

Президентларнинг юзма-юз суҳбатида Литва раҳбари Валдас Адамкус давлатимиз раҳбарининг ушбу ташрифи икки мамлакат босиб ўтган йўлни сарҳисоб қилиш ва келгусидаги режаларни белгилаб олиш учун яхши имконият туғдирганини айтди.

Икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида ўзаро савдо-сотиқни ривожлантириш, иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш, янги қўшма корхоналар тузиш, шунингдек, хавфсизликни таъминлаш, нарқобизнес ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш,

Президент Ислам Каримов Литва Бош вазир Алгирдас Бразаускас билан учрашди. Бу икки сиёсатчи қадрдон дўстлардир. А.Бразаускас шу йилнинг февралда мамлакатимизда меҳмон бўлган эди. 1997 йили, у мамлакат президенти бўлган кезлари, Ўзбекистонга расмий ташриф буюрган. Ислам Каримов ва А.Бразаускаснинг дўстлиги мамлакатларимиз мустақиллик интилаётган пайтлардаёқ бошланган.

Қадрдон дўстларнинг суҳбатида Ўзбекистон-Литва муносабатларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Мамлакатимиз раҳбари Вильнюс университетда бўлиб, ушбу олий ўқув юрти раҳбарияти билан суҳбатлашди. Ўзбекистон билан Литва муносабатларида доир китоблар кўргазмаси билан танишди.

Ислам Каримовнинг Литвага расмий ташрифи давом этмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида сўз ва матбуот эркинлигини, шунингдек, ошкораликни, жамиятда ўтказилаётган ислохотларнинг очиқлигини таъминлайдиган демократик тамойилларни сўзда ёки қоғозда эмас, амалий ҳаётда кенг жорий қилиш - жамиятимизни янада ривожлантириш ва сифат жиҳатидан янгиланган борасидаги энг муҳим устувор йўналишлардан эканини алоҳида таъкидлади.

Тараққиётимизнинг янги босқичида рўйбга чиқариш белгиланган ушбу устувор йўналиш мустақиллигимизнинг дастлабки давридаёқ оммавий ахборот воситаларини том маънода "тўртинчи ҳокимият" даражасига кўтариш борасида бошқичма-бошқич амалга оширилаётган изчил ислохотларимизнинг мантисий давомидир. Хозирги давр бу жиҳадаги ҳаётбахш ўзгаришлар, хусусан, ахборот соҳасини жадал ривожлантириш, оммавий ахборот воситалари фаолиятини эркинлаштириш фукоралик жамияти асосларини барпо этиш жараёнининг узвий таркибий қисмига айланиши тақозо этмоқда.

Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари зиммасига муайян вазифаларни юклайди. Аввало, узоқ вақтлар давомида

лари, нашриётлар ва матбаа корхоналари раҳбарлари, газета ва журналлар бош муҳаррирлари, журналистлар иштирок этмоқда.

Тадбирни мазкур агентлик бош директори Р.Шогуломов очди.

Анжуман қатнашчилари тўрт кун давомида мамлакатимизда матбуот ва ахборот тизимини такомиллаштиришда раҳбар кадрларнинг ўрни ва роли, оммавий

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА КАДРЛАР САЛОҲИЯТИ

мафкуравий ва маъмурий назорат остида ишлагани оқибатида ҳалигача психологик жиҳатдан ўзини эркин ҳис этиши қийин кечаётган матбуот, радио ва телевидение, бошқа оммавий ахборот воситалари эндиликда ўз фаолиятини янги вазиятдан келиб чиққан ҳолда қатъият билан ислох этиши зарур.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги тизимидаги раҳбар ходимлар малякасани оширишга бағишланган ўқув-семинарнинг очилиш маросимида ана шулар ҳақда батафсил сўз юритилди. Унда агентликнинг вилоят бошқармалари бошлиқлари, оммавий ахборот воситалари мониторинги ва уларни лицензиялаш маркази ходим-

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

ҲАМКОРЛИКДАГИ ТАДБИРЛАР

Бекобод тумани хотин-қизлар кўмитаси кўплаб амалий ишларни бажармоқда.

Унинг етакчилигида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Маҳалла», «Соғлом авлод учун» жамғармалари туман бўлимлари, суд, прокуратура ҳамда туман имом хатиби ҳамкорликда аёл ва саломатлик, аёл муаммолари, оилада турмуш, қайнона-келин муносабатлари, ажримлар ва турли оқимлар таъсирининг олдини олиш масалаларига бағишлаб ўтказилаётган ҳуқуқий савол-жавоб ва адабий кечалар, семинар-йиғилишлар жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Хозирда кўмита қошида «Аёл муаммолари» ишонч телефонлари ишлаб турибди.

ХАЙРЛИ ТАШАББУС

«Соғлом авлод учун» жамғармасининг Ангрен шаҳар бўлими ҳомийлигида боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларнинг 50 нафар фарзандлари учун маданий-маърифий кеча уюштирилди.

Тўкин дастурхон ёзилиб, кичкинтойлар зиёфат қилинди. Кечада дилдан суҳбатларга куй-қўшиқлар уланди. Шунингдек, болаларга соғал-саломлар улашилди.

Ана шундай хайрли тадбирлардан яна бири «Қизил Ярим Ой» жамияти туман бўлими томонидан ўтказилди.

Хасанбой САЪДУЛЛАЕВ.

«ОЗОД ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИ»

Зангиота тумани марказий болалар кутубхонасида ана шу мавзуда тадбир бўлиб ўтди. Унда кутубхонага аъзо ёш китобхонлар иштирок этдилар.

Уруш ва меҳнат фахрийлари ўзларининг болалик йилларида юз берган гоҳо қизик, гоҳида эса мунгли воқеа-ҳодисалардан болаларга сўзлаб беришди. Болаликнинг қадрига етишга даъват этиб, бу даврда кўп билим, тарбия олмақ кераклиги, вақти келиб, ана шу илм кишига асқотишини уқдиришди. Туман ижтимоий-иқтисодий тараққиётига катта ҳисса қўшган инсонлар ҳақидаги эсдаликлар ўсирилларда катта қизиқиш уйғотди. Бундай тадбирларга етишга даъват этиб, кутубхоналарида ҳам ўтказиш режалаштирилмоқда.

Ўз мухбиримиз.

10 МИЛЛИОН СЎМЛИК ТИББИЙ ХИЗМАТ

Юқоричирчиқ туман марказий шифохонасида пуллик хизмат кўрсатиш ишлари яхши йўлга қўйилган.

Биринчи ярим йилликда аҳолига 8 миллион сўмлик, бугунга келиб эса 10 миллион сўмликка яқин тиббий хизмат кўрсатилди.

Шифохонанинг моддий-техника базаси ҳам, шунга яраша мустаҳкамлашиб бормоқда.

Ўз мухбиримиз.

ҲОМИЙЛАР САҲОВАТИ

Паркент туманида ҳам эл-юрт, фарзандлар камоли учун қайғурадиган, камарбаста бўладиган жамоалар анчагина.

Уларнинг беиннат ёрдамлари тўғрисида умуий ўрта таълим мактаблари, мактабгача тарбия муассасалари моддий-техник базаси ривожланиб, мустаҳкамлашиб бормоқда. Туман халқ таълими бўлими тасарруфидидаги 43 та умумий ўрта таълим мактаби ва 17 та мактабгача тарбия муассасасига ширкат ҳўжаликларни, корхона ва фермер ҳўжаликларни бириктириб қўйилган. Улар ўз оталиқларидаги бундай муассаса биноларини жорий ва тўла таъмирлаш ишларида, моддий-таъминот муаммоларини ҳал этишларида яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Ҳомий ташкилотлардан, айниқса, «Гулбоғ», «Бойқозон», «Заркент», «Номда-нак», «Наврўз» каби ширкат ҳўжаликларни ҳамда гишт, вино заводлари, Паркент йўл қурилиш бошқармаси, «Бер-Ад» каби корхона жамоаларининг таълим муассасаларига кўрсатаётган кўмақларидан маорифчилар хурсанд.

Абдузўхур ҚОРАБОЕВ.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

Миллий матбуот марказида АҚШнинг мамлакатимиздаги элчихонаси ахборот, маданият ва таълим бўлими ҳамда Ўзбекистон Фулбрайт ассоциацияси нодавлат-нотижорат ташкилоти ҳамкорлигида «Таълим ва тадқиқот соҳасида ахборот ва коммуникация технологияларининг аҳамияти мавзусида анжуман ўтказилди.

ФУЛБРАЙТ ДАСТУРИ АМАЛДА

1991 йилдан буён АҚШ ҳукумати томонидан ўнлаб дастурлар амалга ошириб келинмоқда. Бундай дастурларга асосан ҳар йили юзлаб талаба-ўқувчилар, мутахассислар мазкур мамлакатда малака ошириб қайтишади. Фулбрайт шундай кенг камровли дастур ҳисобланади.

Семинарда Ўзбекистонда ахборот ва коммуникация технологияларини ривожлантириш истиқболлари, олий таълим тизимида ахборот технологияларининг тўтган ўрни, интернетдан фойдаланиб турли дарсликлар яратиш, шунингдек, масофадан туриб ўқитиш сингари қатор муҳим масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди. Ривожланган давлатлардан бири ҳисобланган АҚШ-

да фан-таълим соҳасида кўлга киритилган ютуқларни мамлакатимиз ёшлари ва мутахассисларини яқиндан таништириш мақсадида ташкил қилинган Фулбрайт каби қатор дастурлар сўзсиз муҳим аҳамиятга эга. Чунки мазкур мамлакатда барча соҳаларда ўзига хос тажриба ва малака орттирилган. Улардан ўзимизга мос жиҳатларини ўзлаштирсак, фойдандан ҳоли бўлмайдимиз.

Жорий йилда 200 нафар юртдошларимиз турли хил йўналишлар бўйича АҚШга жўнаб кетадилар. Таълим тизимида ҳам ўқувчи ва талабалар, профессор-ўқитувчилар Американидаги турли мактаблар ҳамда нуфузли олий ўқув юрларида ўз билимларини янада бойитишади.

«Туркистон-пресс»

ЕТАКЧИ БЎЛИШ МАСЪУЛИЯТИ

Тошкент вилоят ҳокимлигида иқтидорли болалар парламентининг I сессияси иштирокчилари учун қабул уюштирилди.

Вилоятимиз шаҳар ва туманларидан сайланиб, дастлабки сессия мажлисларида қатнашган 21 ўсмир илк анжуман таассуротлари билан ўртоқлашилди. — Сизлар мустақил мамлакатимизнинг келажагисиз, — деди вилоят ҳокимининг ўринбосари Адиба Аҳмадждонова етакчи ёшларга мурожаат қилиб. — Бу фақат шарафгина эмас, балки катта масъулият ҳамдир. Болалар парламентининг аъзолари ўқиб ва жамоат ишларида ҳамisha ибрат кўрсатиш, муносиб ўринбосарлар бўлиб етишишга ваъда беришди.

Ўз мухбиримиз.

ТЕРИМ СТРАТЕГИЯСИ

Туманда дала - қабул пункти - қайта ишлаш корхонаси тартибда тузилган халқ йигим-терим стратегиясини ташкил этмоқда

Бир пайтлар Куйичирчиқ тумани пахта ҳосилини дала — қабул пункти — завод, яъни конвейер усулида йиғиштириб олиш бўйича бутун вилоятга намуна эди. Шунга яраша давлатга пахта сотиш режаси вилоятда биринчилар қатори қисқа муддатда бажариларди. Бунинг учун аввало, далаларда мўл ҳосил этиштирилди.

Туман ҳокимлиги, қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси раҳбарлари ўтган йилдан бошлаб ана шу самарали конвейер усулини аста-секин қайта тиклашга киришдилар. Давлатга пахта сотиш режаси ўтган мавсумда муваффақиятли адо этилганлигининг асосий сабабларидан бири ҳам шу бўлди.

Афсуски, бу йил кўкламги ноқулай об-ҳаво шароити туман раҳбарлари бошлаган хайрли ишни хавф остида қолдирди. Чунки, ортқича ёгингарчиликдан эзилган гўзалар ривождан орқада қолгани устига кўчат қалинлиги

хам мўлжалдагидан кам бўлди. Энди режани муваффақиятли бажариш учун илгўр усулни қўллаб, ана шу қоқоқликнинг ўрнини тўлдириб, ҳамма майдонларда мўл ҳосил тўплашнинг уйдасидан чиқиш керак эди. Бунда асосий оғирлик пурдатчилар зиммасига тушарди, албатта. Улар эса, буни тўғри тушуниб, бутун масъулиятни ўз зиммаларига олдидилар ва тиним билмай меҳнат қилдилар. Хўжалик бошқаруви эса, уларнинг талабларига қараб маъдан

(Давоми 2-бетда).

СУРАТЛАРДА: «Мустақиллик» пахта тозалаш корхонаси лаборатория мудири Меҳри Қурбонова; корхона ишчилари Санғор Жўраев билан Раҳматилла Нишонов янги ҳосилдан тайёрланган дастлабки тонна пахта моласини экспортга жўнатиш учун ҳазирлашмоқда. Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.



AZIZ DO`STLAR!

Республикамизда газета ва журналларга 2003 йил учун обуна бошланди. Почта алоқаси бўлимлари ва газета дўконларида «Матбуот тарқатувчи»нинг вилоят, шаҳар ва туман бўлимларида обунани расмийлаштириш мумкин. Севимли газетангиз «Тошкент ҳақиқати»га 2003 йил учун обуна бўлишни унутманг. Уни вақтида расмийлаштириб қўйсангиз, кўнглингиз тўқ бўлади - сиз келгуси йил давомида ҳам яна биз билан ҳамроҳ бўлишингиз мумкин.

БУГУНГИ
СОНДА:

ҚАЙТА ИШЛАШ
БОШЛАНДИ 2-бет

ИНТИЛИБ, ИЗЛАНИБ
ЯШАЁТГАНЛАР 3-бет

МЕНГА СУВ
БЕР 4-бет

МАЪНАВИЯТ ВА БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг ёшларни билимли, жисмонан соғлом ва маънан баркамол этиб тарбиялаш, ҳуқуқий онгини ўстириш, улар ўртасида ҳуқуқбузарлик, жиноятчиликнинг олдини олишда мутасадди идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш юзасидан 2000-2005 йилларга мўлжалланган тadbирлари дastури изчиллик билан амалга оширилди.

Республика "Маънавият ва маърифат" маркази, Бош прокуратура, "Махалла" хайрия жамғармаси ҳамкорлигида мазкур дastур доирасида ташкил этган навбатдаги тadbир пойтахтдаги 8-бизнес мактабда бўлиб ўтди.

Ёшлар, жамоатчилик вакиллари, таълим ва ҳуқуқ-тартибот муассасалари ходимлари иштирок этган очик мулоқотда мамлакатимизда усиб келаятган авлоднинг ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш, ёшлар онига Ватанга садоқат ва муҳаббат туйғуларини синдиришга алоҳида эътибор берилган таъкидланди. Вояга етмаганлар онгини юксалтириш, тафаккурини шакллантириш, дунёқарабини кенгайтириш ҳамда ҳуқуқий саводхонлигини оширишда маҳалла, мактаб, мутасадди идоралар ҳамкорлиги алоҳида аҳамият касб этаётганига эътибор қаратилди.

Анжуманда "Усмир, қонун ва ижро", "XXI аср ёшлари: маънавият ва маърифат уйғуниги", "Вояга етмаганлар тарбиясида маҳалланинг ўрни" мавзуларида маърузалар тингланди.

Э.ХОЛИҚОВ, ЎЗА мухбири.

ВАТАН ТИМСОЛЛАРИ

Республика болалар бадий ижодиёти марказида ёш рассомлар асарларининг "Ватан тимсоллари" мавзусидаги кўргазмаси очилди.

Кўргазмада рассомлик ҳамда амалий санъатнинг бошқа йўналишларида яратилган 300 дан ортиқ асар намойиш этилди. Уларда Ватанимиз табияти гўзалликлари, мустақиллигимиз тимсоллари, халқимиз бунёдкорлиги ўзига хос маҳорат билан акс эттирилган.

(ЎЗА).

ТАДБИРКОРЛИК ВА АУДИТОР ХИЗМАТИ

Тadbиркорлик фаолияти ривожланиб бораётгани сари аудитор хизматида эътиб тобора ортмоқда. Чунки аудитор хизмати кўмагида ҳар қандай молиявий ҳато ва камчиликни ўз вақтида аниқлаш ва барҳараф этиши мумкин.

Айни вақтда, аудиторнинг ижобий ҳулосасига эга бўлган ташкилотни икки йил мобайнида бошқа текширувчи безовта қилмайди.

Бугунги кунда мамлакатимизда аудиторлик фаолиятининг пухта ҳуқуқий асослари яратилган. Шунга қарамай, тўлақонли иш олиб бораётган аудиторлик ташкилотларини етарли, деб бўлмайди. Фаолиятнинг ушбу турини

тажрибадан кенг фойдаланган ҳолда иш олиб бориш, мижозларимиз ишончини қозониши фаолиятимизнинг бош йўналиши деб биламиз.

Палатамиз аудиторларни ўз атрофида бирлаштирган бўлиб, таркибида тажрибали экспертлар гуруҳи ҳамда махсус кенгаш фаолият юритмоқда. Малакали аудиторлардан ташкил топан бу гуруҳ ва кенгаш аъзолари эндигина иш бошлаган аудиторларга ҳар томонлама кўмаклашмоқда.

Юртимизда иш бошлаган аудиторларга ҳар томонлама кўмаклашмоқда. Юртимизда иш бошлаган аудиторларга ҳар томонлама кўмаклашмоқда.

Юртимизда иш бошлаган аудиторларга ҳар томонлама кўмаклашмоқда. Юртимизда иш бошлаган аудиторларга ҳар томонлама кўмаклашмоқда.

ЯНГИ ЙЎНАЛИШ

АҚШ президенти Жорж Буш Миллий ҳавфсизликнинг янги стратегиясини ишлаб чиқиб, уни Конгрессга тақдим этди.

МАВҚЕИНИ САҚЛАБ ҚОЛДИ

Ўтган яқшанба кuni Германия бундестаги (парламентга) сайлов бўлиб ўтди. РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси таркатган хабарларга қараганда, сайловда мамлакат Федерал канцлери Герхард Шрёдер раҳбарлигидаги социал-демократлар (СДП) ва "яшиллар" партияси иштирокидаги ҳукумат коалицияси муваффақиятга эришиб, ўзининг аввалги мавқеини сақлаб қолди.

БЕҚАРОРЛИК САБАБЧИЛАРИ ҲАРБИЙЛАР

Кот-д'Ивуарнинг иқтисодий пойтахти - Абижанда ҳарбийлар исён қилди. Президентга содиқ қўшинлар исённи бостиришга эришди, лекин унчага отишмалар натижасида саксондан ортиқ одам ҳалок бўлди, юздан зиёди яраланди.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

МАВҚЕИНИ САҚЛАБ ҚОЛДИ

БЕҚАРОРЛИК САБАБЧИЛАРИ ҲАРБИЙЛАР



Эндиги вази фа ва йғим-терим мавсуми ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўриш ва уни ушқоқлик билан қисқа муддатда ўтказишдан иборат эди. Бунинг учун барча имкониятлар инobatга олиниб, йғим-терим стратегияси ишлаб чиқилди.

Мавсумда қўл терими ҳам чиларига ҳар беш кунда нақд пул тўлаб боришдан ташқари, мавсум якунида энг кўп пахта терган аъзолар ҳамда меҳаник-ҳайдовчиларга дам олиш санаторияларига йўлланма ажратилади.

ТЕРИМ СТРАТЕГИЯСИ

Унга кўра туман МТПсидаги 34 та «Кейс» машинасининг қуввати ҳамда ҳўжаликларда эски бўлсада, ишга яроқли бўлган маҳаллий русумдаги терим агрегатларининг ёрдамига таяниб, мавжуд ҳосилнинг 40 фоизини, яъни 4800 гектар майдонда давлат режасини бемалол қоплайдиган даражада ҳосил тўлашга эришилди.

Шундан кейинги муҳим агротехник тadbирлар — асосий гўза туллари ҳамда йирик ён шохларининг учини чилпиш, барғни суний тўктириш ишлари ҳам экиннинг талабига қараб, айни вақтда бажакечи бўлсада, 14 минг гектардан зиёд майдоннинг деярли ҳаммасида давлат режасини бемалол қоплайдиган даражада ҳосил тўлашга эришилди.

ҚАЙТА ИШЛАШ БОШЛАНДИ

Вилоятимиз пахта тозалаш саноатининг кенжа корхонаси — Янгийўлдаги «Мустақил Ўзбекистон беш йиллиги» ҳиссдорлик жамияти жамоаси ўтган йилда 19 минг 950 тонна оқ олтинни қабул қилиб, қисқа муддатларда сифатли қайта ишлашни таъминлаган эди.

Ишчи-хизматчилар жорий йилда ҳам қайта ишлаш шундай маррани эгаллашга аҳд қилдилар. Шунинг учун корхонада янги мавсумга тайёргарлик ишларига жиддий эътибор берилди.

Ишлаб чиқаришнинг ҳамма тармоқлари, мавжуд барча машина-механизмлар, асбоб-ускуналар, бунт майдончалари анча барвақт ва сифатли тайёрлаб қўйилди. 18 та пахта узатиш конвейерлари, кўплаб ҳаво сўргичлар, ёнгина қарши фойдаланиш мосламалари тахт қилинди, ҳар бирининг сифими 220 куб метр бўлган ҳовузаларга сув тўлдирилди. Турли касб эгаси бўлган пахта тозаловчилар ўқитилди, уларнинг малакаларини оширишга қаратилган ўқув



«МЕН НЕЧУН СЕВАМАН ЎЗБЕКИСТОННИ»

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Ангрн шаҳар ташкилотли ташаббуси билан меҳнат ҳамоналари, маҳаллалар, ўқув юртралида уюштирилган «Мен нечун севаман Ўзбекистонни» мавзусидаги учрашувлар ёшларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Учрашувларнинг аксарияти давр ва сўхбати тарзида ўтаётганлиги ҳам айни мuddао бўлаяпти. Уларда ҳар бир йигит-киз истаган фикр-мулоҳазаларини очиб баён этади.

Бундай учрашув ва сўхбатлар

«Камир кони, «Каолин» кўшма корхонаси, «Кўмиртехнотранспорт», «Белазкўмир» акциядорлик жамиятида, қатор маҳаллаларда қизгин ўтди.

Уз мухбиримиз.

Уз мухбиримиз.

Уз мухбиримиз.

Уз мухбиримиз.

Уз мухбиримиз.

Уз мухбиримиз.

Пахта - 2002

на толани экспорт қилиш юзасидан шартнома тuzган. Умуман, бу йилги пахта ҳосилининг қарийб 95 фоизи қайта ишланиб, буюртма асосида чет элларга жўнатилади.

Айни кунларда, туман ҳўжаликлариде майдонларни танлаб теримга киришилди. Йғим-терим иш-тирокчиларининг сафи кун сайн кенгайиб бормоқда. Бугун-эрта туман корхона, ташкилот ва муассасалари ҳам ёрдамга чиқадилар. Октябрьнинг бошидан эса, «Кейс»ларни ишга солиш мўлжалланмоқда.

Хуллас, туманда янги мавсум учун махсус ишлаб чиқарилган йғим-терим стратегияси кунга кира бошлади. Давлатга пахта сотиш шартнома режасини октябрь ойидан кечикмай бажариш учун мавжуд барча куч ва имкониятлар теримга тўла сафарбар этилади.

Абдусамед йўлдошев, «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ЖАББОРОВ РЕЖАНИ БИР КУНДА БАЖАРДИ

БЕКБОБД туманида ҳали бунақаси бўлмаганда уруғ қадаган тажрибали фермер Абдуҳалиқ Жабборов «об-ҳаво қийинчиликлари»ни рўқач қилиб ўтирмай, гўза парварлигини ўрнига қўйди ва айтган ҳосилини олди.

Йғим-теримни ҳам оқилона уюштирди. Оила аъзолари, қариндош-уруғлари ва маҳалласидаги ишга яроқли аҳолини жалб этиб, бир куннинг ўзидеаёк гектаридан режадаги 23 центнер ўрнига 24 центнердан хирмон кўтариб, давлатга пахта сотиш режасини ортиги билан бажариб қўйди. Қабул пунктига 20,5 тонна юкори навли ҳам аёш топширди.

Бу — биринчи терим туманасидан эришилган натижа. Далада хали ҳосил кўп. Энди фермер пировад ҳосилдорлигини 40 центнерга етказиб, давлатга яна 14 тонна пахта сотишни мўлжаллаяпти.

ЙЎЛСОЗЛАР ҒАЙРАТИ

Янгийўлда йўллардан фойдаланиш бошқармаси ишчилари Буёқ ипак йўлининг Охангарон воҳасидан ўтадиган элли километрлик қисмини қайта куриш, таъмирлаш, бекатлар барпо этиш ишларини амалга оширмоқдалар.

Шу кунларда йўлни бетонлаётган жамоа жорий йилнинг биринчи ярмида 560 миллион сўм сармояни ўзлаштирди.

Бош пудратчи ҳисобланган бошқарманинг ёрдамчи бинокорлик

Уз мухбиримиз.

Уз мухбиримиз.

Уз мухбиримиз.

Уз мухбиримиз.

Уз мухбиримиз.

Уз мухбиримиз.

ЎЗА мухбирлари ахборот қиладилар

ЯПОНИЯ ҲАҚИДА КЎРГАЗМА

Мамлакатимизда Япония Маданияти кунлари давом этмоқда. Ана шу тadbир доирасида Тошкентдаги Амалий санъат музейида кунчиқар мамлакат ҳақида ҳикоя қилувчи кўргазма очилди.

Кўргазмадан туркум фотосуратлар, шунингдек, Япония маданияти-маиший ҳаётининг акс эттирувчи турли экспонатлар ўрин олган. Бу ёрга ташриф буюрган япон

қўғирқочлари ишқибозлари ҳам ноёб гўзалликдан баҳраманд бўлиши мумкин. Кўргазмада амалий санъатнинг ана шу турига ҳам кенг ўрин берилган.

ЁШЛАР - ОИТС ВА ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ

Дунё миқёсидаги маълумотларга қараганда ОИТС ва гиёҳвандлик қарши курашмоқда. Ўзбекистонда ҳам бу борада кенг тарғибот ишлари олиб борилаётган.

ОИТСга қарши умумжаҳон кампанияси маълумотларига кўра «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ЮНИСЕФ ва ЮНЕЙДС билан ҳамкорликда ОИТС ва гиёҳвандликнинг олдини олишга қаратилган ёшлар маърифий дastурини ишлаб чиқди.

ИЖТИМОЙ ФИКР ОЙНАСИ

Президентимиз ўзининг Олий Мажлис IX сессиясидаги маърузасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, сўз эркинлиги ва оммавий ахборот воситаларининг зарур қафолатларини таъминлайдиган демократик тамойилларни ҳаётда амалга ошириш йўллариини белгилаб берди.

«Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари» журнали ўз фаолиятида ана шу тамойилларга амал қилишга интилмоқда. «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш миллий маркази таъсис этган бу журналнинг дастлабки сони чиқиши муносабати билан уюштирилган журналонлар конференциясида социолог, сиёсатшунос, юрист, тарихчи, журналистлар, шунингдек соҳа олий ўқув юртрали талабалари тақдир этилди.

ЎЗБЕК ДИПЛОМАТИЯСИНИНГ БЕШИГИ

Шу кунларда ўзининг ўн йиллик тўйини нишонлаётган Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетини 1992 йил 23 сентябрда мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг фармони билан ташкил этилган.

«Ўзбек дипломатиясининг бешиги», деган шарафли номга сазовор бўлган бу университет кўсқа вақт мобайнида ўзининг юкори малакали ўқитувчилари, ҳар жиҳатдан пухта ва мукамал билимга эга бўлган талабалари ҳамда Ватанимиз раванки йўлида тинмай меҳнат қилгандаги битирувчилари билан нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам катта шухрат қозонди. Натижада, хозирги кунга келиб, дунёнинг аксарият давлатлари иқтисодий ислохотларининг ўзбекистонга модели ҳамда Ўзбекистондаги кадрлар тайёрлаш миллий дastури билан бир қаторда ўзбек дипломатияси мактабининг ўзига хос жиҳатларини,

диққатга сазовор хусусиятларини ўрганишда, амалиётта татбиқ этмоқда.

Иқтисодиёт ва дипломатия соҳасида фаолият юритувчи кадрларни тайёрлаш бўйича нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиёда энг етакчи ўқув юртралидан бири саналган бу университет ўзбек миллий дипломатиясининг янги авлодини тарбиялаш ишига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. Хозирги кунда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг бир ярим мингдан ортиқ битирувчи мамлакатимизда ва юртимиздаги хориждаги ваколатхоналариде самарали меҳнат қилиб келаятгани бу фикрининг яққол далилидир.

Уз мухбиримиз.

Бу азиз қадамжого ҳар кун и зоқ-яқиндан юзлаб зиёратчилар келиб кетишади. Зангиота ва Анбар она макбараларини тавоф этишади. Шу кунларга етказгани, шундай имкониятлар яратилгани, маънавий бойлигимиздан яна баҳраманд бўлаётганимиз учун Яратанга шукроналар айтишади. Негаки, бундан 14-15 йил муқаддам бу ерга келишга, дунёдан ўтганлар руҳига бағишлаб фотиҳа ўқишга ҳар кимнинг ҳам юраги бетламас эди. Бунга мустабид тузум сиёсати сабабчи эди.

Толемиз бор экан, истиқлол шарофати билан бизнинг даврда маънавий ва маданий меросимиз ўзимизга қайтарилди. Тарихимиздан узиб қўйилган эди, истиқлол унинг ришталарини боғлади. Буюк аждодларимиз ҳаётини ўрганишга қизиқиш ва интилиш кучайди. Улар ҳоқи қўйилган жойлар мукамал таъмирланди ва тартибга келтирилди.

Шундай азиз жойлардан бири Зангиота зиёратгоҳидир. Бугун мана шу қутлуг масканин обод этаётган қишлоқ одамлари, бу ишларга бош-қош бўлаётган фуқаролар йиғини оқсоқоли тадбиркорлиги билан юрда маъмуричи яратилишига ҳисса қўшаётган фидойи инсонлар ҳақида сўз юритишни лозим топдик.

САВОБ ИШЛАР...

Ривоят. Узоқ бир мамлакатнинг қироли Шарқда гуллаб яшнаётган давлатга ноибини йўллаётди: «Уларнинг яшаш тарзини, ривожланиш сабабларини ўрганиб кел!» деб буюрибди. Ноиб бир қанча муддат ўша элда бўлиб, сўнг юртига қайтибди.

— Таассуротларингни сўзла! — амр этибди қирол.

— Биринчи таассуротим шуки, ҳукмдорим, — ҳикоясини бошлабди ноиб, — бошқа юртларда фақат шаҳарга киргач бозорларни, хунармандчилик расталарини кўрдим. Сиз қизиқайтган мамлакатда эса шаҳардан ташқарида, қишлоқ жойлар ҳам обод ва гўзал экан. Дўконларида мол сероб, тадбиркорлари урдабурон экан.

«Демак, бу эл бой, оқибатли экан. Узаро алоқаларни мустаҳкамлаш керак», деган хулосага келибди қирол.

Солихўжа ака асли шу ерлик. Олти ўғил, тўрт қизнинг ичида энг каттаси. Раҳматли падари бузрукворни Норхўжа ота умр бўйи сув ҳўжалиги соҳасида ишлади. Тўнғич фарзанд ота касбига қизиқиб, Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари олийгоҳини 1971 йили битирди. Сўнг 20 йилдан зиёд вақт мобайнида шу соҳада меҳнат қилди. У «Найман тўғони» қурилишида, Бўсаув анжорининг метро ўтадиган жойини кайта қуришда қатнашди. Сув иншоотлари бунёд этилишида иштирок этди. Олдин муҳандисликдан уштакта бошлиғи вазифасига кўтарилди.

— Тадбиркорлик билан 1992 йилдан астойдил шуғуллана бошладим, — дейди Солихўжа ака. — Дастлаб Россия шаҳарларида қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари юбориб, савдосини йўлга қўйдик. Кейинчалик фаолиятимизни кенгайтира бордик. Маълум маблағ тўплангач, ака-укалар йиғилишиб, ўзимизнинг маҳаллага биринчи навбатда нималар зарурлигини фикрлашдик. Шундан сўнг қурилиш ишларини бошлаб юбордик.

Ха, Яратган кимнинг кўнглига эзгулик, одамларга яхшилик қилиш истагини солса, ўша одамнинг давлати, обрў мартабаси зиёда бўлаверар экан. Тадбиркорликдан келган дастлабки даромаддан Солихўжа Норхўжаев Зангиота бекатида икки қаватли бино қурди. Унинг биринчи қавати савдо дўкони бўлиб, иккинчи қаватида хоналар уй ҳамшираси, кўйлак бичувчи-тикувчилар тайёрлайдиган бир йиллик курслар, модалар ательеси, компьютер мактаби, пойфазал устахонасига мослаштирилди. Мазкур иморатни лойиҳалаштиришда тадбиркор томонидан бу ерда турли йиғилишлар ўтказилиши ҳам ҳисобга олинди. Шу сабабли у «Зангиота маданият ва маърифат маркази», деб номланди. Бу ерда вақти-вақти билан туман ва вилоят миқёсида истиқлол, Ватанга садоқат, ёшлар тарбияси, маънавият ва маърифат мавзуларида тадбирлар ўтказиб турилади.

Ака-укалар фаолиятида кўзга кўринарли яна бир иш шу бўлдики, темир йўл ёқасида кўп йиллардан буюн қаровсиз қолган гараж ҳовлиси бор эди. Уни обод қилишни режалашди. Дастлаб тегиримон қурилди. Кейинчалик яшиқ тайёрлаш цехи ишга туширилди. Унга ҳам буортмачилар қишин-ёзин топилди. Цехда ўнга яқин одам ишламоқда.

— Эндиги мақсадимиз шу ерда қурилиш ашёлари савдосини йўлга қўйиш. Иморат тикланишига нимаки зарур бўлса, яқин атрофда яшовчилар узоққа бормай, керагини шу ердан олаверадилар, — дейди сўхбатдошимиз.

Кези келганда шунки таъкидлашимиз жоизки, С. Норхўжаев ва унинг инилари Зангиотада ишбилармондан кўра саховатли ва мурувватли инсонлар сифатида кўпроқ танилганлар. Ака-ука тадбиркорлар шу ердаги 34-мактабга бешта синф хонаси қуриб беришди. Бунинг учун 2,5 миллион сўм сарфланди. Зангиота қабристонига кираверишдаги йўлнинг чап тарафида олди айвонли мажмуа қад ростлади. Унда ҳозир почта, газлаштириш идорасининг Зангиота

бўлими, суратхона ва зиёратга келганлар учун дам олиш хоналари

ИНТИЛИБ, ИЗЛАНИБ ЯШАЁТГАНЛАР

фаолият кўрсатяпти.

Халқимизда олтин олма дуо ол, деган ҳикматли, маъноси чуқур нақл бор. Қарияларни қадрлаш йилида нуронийларга эътибор, гамхўрлик янада кучайди. Наврўз ва бошқа байрамлар муносабати билан фуқаролар йиғини худудидидаги ҳар бир ҳўжалик, қорхона, ташкилот, муассасаларда тадбирлар уюштирилди. Кексалар иззат-ҳурмати жойига қўйилди. Биргина Зангиота қишлоқ фуқаролар йиғини томонидан Наврўз байраминда тўрт юз кишига ош тортилди. Нуронийларга совғалар топширилди. Албатта, бу ишларни битта идора ёки бир тадбиркор урдадаши мушкул. Тўй кўпчилик билан, қувончлиси Зангиотада ҳам юртпарвар давлатмандлар оз эмас. Мурод Юнусбоев, Икром Ақромов, Маҳмуд Норхўжаев сингари саҳий тадбиркорлар бундай хайрли ишларга сидқидилдан ёрдам бериб, кўпнинг дуосини олиб келишяпти.

АЖДОДЛАР РУҲИ ШОД — ЮРТ ОБОДИ

Ривоят. Қирол ноибига навбатдаги саволни берибди:

— Уша элнинг яна қайси одатлари, удумлири сенга маъқул бўлди?

— Ҳазрати олийлари, — дея жавоб қайтарибди жаҳонгашта сайёх. — Мен меҳмони бўлган халқ қабристонларни озода ва обод сақлашар, ота-оналари ҳамда тарихий ўзгашлар руҳини тез-тез зиёрат этиб, дуои фотиҳа қилар эканлар. Фарзандларини ҳам гўдақлигидаёқ шўнга ўргатиб борар эканлар.

«Утганлар хотирасини эъзозлаш, аждодларидан фахрланиш, гурур ва одамийлик бобида уларда ҳам иб-

бор, дарвозадан бисмиллоҳир роҳманир роҳиймини айтиб кир», деб таъинлашади.

Зиёратчи ва саховатли инсонлардан йиғилган маблағ ҳисобидан ўтган йили Зангиота сағанаси жойлашган бионинг ички қисми таъмирланди. Анбар она макбарасида ҳам шундай ишлар амалга оширилди. Ҳозир бу табаррук зотлар қабрини зиёрат этишни ният қилганлар учун ҳамма шароит муҳайё этилган. Шунингдек, қабристон оралиғидида йўлқалар асфальтланди. Ҳовуз таъмирланди. Республикаимизнинг турли вилоятларидан зиёратга келганларга атаб дам олиш хоналари барпо этилди. Ундан ташқари, мактаблар, боғчалар, шифохоналарга ҳам ҳада маблағи ҳисобидан дарсликлар, ўқув қуроллари, тиббий

бўлган юмушлар ҳали жуда кўп, — дейди оқсоқол. — Аввало Зангиота макбараси олдидаги хонани жиҳозлаб, кутубхона ташкил этмоқчимиз. Кейин зиёратчилар учун атаб қурилган дам олиш хоналари ёнида ошхоналар қад кўтарилди.

Дарвоқе, Зангиота қишлоқ фуқаролар йиғини раиси раҳбарлиғида амалга оширилган яна бир хайрли иш хусусида ҳам тўхталмоқ лозим.

Ҳап шундаки, ушбу муборак заминда дунёга келган ва яшаб ўтган алломалар, буюк инсонлардан яна бир сиймо бор. Умид қиламизки, вақти келиб тарихчилар бу бобокалонимиз тўғрисида ҳам муфассал маълумотлар беришади.

Тошкентдан Зангиота зиёратгоҳига бораверишда 200-300 метрлар берида, 27-мактаб биносининг орқа то-

Фуқаролар йиғини: кеча, бугун, эртага

ОҚИБАТЛИ КИШИЛАР

Ривоят. Ноибнинг ёзма ахборотини ўқиб ўтириб, қирол уни яна саволга тутибди:

— Қўлзмангда қизиқарли маълумотлар келтирибсан. Уша халқнинг ўзига хос урф-одатларини раво баён этибсан. Айтчи, уларда мискинларга, ўзгалар ёрдамига муҳтожларга муносабат қандай?

— Уларнинг бирортасини ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилганини кўрмадим, — дебди жаҳонгашта фарблик. — Ҳаммаларига давлат, бой-бадавлатлар томонидан мунтазам ёрдам мурувват кўрсатилади экан. Айтчи, мени тўлқинлантиргани тўй-ҳашам борми, маъракадами, бою

бўлди. Республика чемпиони Ботир Қўзиёев эса, Қозоғистонда ўтган халқро турнирда голиб чиқди.

Муайтай бўйича халқро тоифадаги спорт устаси, Осиё чемпиони Жаҳонгир Фуломов бўлса, яқинда кетма-кет зафар қўчди. Бангкоқда ўтган жаҳон чемпионатида бронза медалини қўлга киритди, сўнг Қозоғистон Президентини кубоги беллашуларидида у барча рақибларидан устун келди. Тўрт карра мамлакат чемпиони Сайдулла Исмаилов 1998 йили Осиё чемпионатидан олтин медал билан қайтди. Бу рўйхатни яна узоқ давом эттириш мумкин.

— Оқсоқол ташаббуси ва ҳаракати билан бутлур кўзда худудимиздаги уч гектар ерга бугдой экилган эди, — дейди Зангиота тарихий-меъморий қўриқхонаси бош ҳисобчиси Маъмуржон Парпиев. — Ният холис, кўпнинг ризиқи — ҳосил қўтилганидан зиёда бўлди. Хирмонга жамланган 16,5 тонна дон ёлғиз қариялар, кам таъминланган хонадонлар жон бошига қараб 50 килодан 200 килогача тарқатилди. Яна ҳар ойда хайр-эхсон мақсадида зиёратгоҳга ва маҷитга келтирилган қишлоқ ҳўжалик ва озик-овқат маҳсулотлари ўттиздан зиёд шундай оилаларга тақсимланади. Фақат шу билан ки-фояланмай, қишлоқ фуқаролар йиғини ҳамда саховатпеша инсонлар томонидан уларнинг уйини таъмирлашга, коммунал хизмат тўловларини тўлашга кўмаклашилади.

Халқимизда бир ошамдан берса тўйдирди, деган нақл беҳиз айтилмаган. Савоб учун баҳарилган амаллар бари хайрлидир. Номини, манзилни айтмай, муҳтожларга мурувват кўрсатувчилар юртимизда жуда кўп. Шундай инсонлар туфайли одамларда меҳр-оқибат ришталари мустаҳкамланяпти. Ҳаётга муҳаббат, эртанги кунга ишонч ортапти.

— Сен қурган-билганларингни жамлаб китоб ёз, — буюрибди ҳукмдор. — Бизнинг мамлакат аҳли, қолаверса, жаҳондаги бошқа юртлар ҳам дунёда шундай мард ва танти халқ борлигини билсин.

Маълумки, Ватан келажағи ёшлар билан. Уларни юртига муҳаббат, маънавий етуқ, билимни қилиб тарбиялаш маҳаллалар олдидаги гоят долзарб ва доимий масалалардан ҳисобланади. Бу борада Алимбой Мирқамоллов номли, Абдумалик Шораҳмедов номли, «Ҳўжамозор», «Уртамаҳалла», «Эскиқалъа», «Сортепа», «Боғзор» маҳаллаларида қатор вазифалар белгиланган. Фаоллар ҳафтаинг маълум кунлари йиғилишиб, баҳарилган ишларни таҳлил қилишди, нималар эътибордан четда қолаётганини айтишди. Аёллар ўртасида қайнона-келин муносабатлари, келин-куёвларга маслаҳатлар, «Оила — муқаддас» каби мавзуларда тез-тез сўхбатлар ўтказилади. Булар ёш оиланинг мустаҳкамланишида ижобий самарасини кўрсатяпти. Мисол учун ўтган бир йилда Зангиотада юздан зиёд никоҳ расмийлаштирилган бўлса, ёш келин-куёвларнинг аксарияти биринчи кунларданок бир-бирини яхши тушуниб, аҳил яшаяпти.

Зангиоталик спортчилар халқро миқёсда эришайтган муваффақиятлар билан нафақат бу атрофдагилар, балки бутун мамлакатимиз аҳли фахрланса арзийди. Карим Тўлаганов номини ўзбекистонлик бокс илосманд-



СУРАТЛАРДА: қишлоқ фуқаролар йиғини раиси С.Норхўжаев зангиоталик қариялар билан сўхбатлашяпти. Ҳовуз таъмирлангач зиёратгоҳи худуди файтига яна ҳам файз қўшилди. Бу бинодо қариялар учун ҳамма шароит муҳайё этилган.



Даврон АҲМАД олган суратлар.

ратли жиҳатлар кўп экан», ҳаёлидан ўтказибди тахт эгаси.

Ота-боболарнинг бир гапи бор: давлатинг ошиб-тошинг, ўзингни қўйрга жой тополмасанг, мендан ўтадигани йўқ, деган хулосага келган бўлсанг, қабристонинг зиёрат қил. Шунда бу дунёдан сендан ҳам зўрлар ўтганини, у дунёга ҳеч нима олиб кетмаганини эслайсан. Ҳаётни, одамларни қадрлашга одатланасан. Мабодо келингга мусибат тушса ҳам мазорига бор. Сен чекаётган қайғу ўлим олдида ҳеч нарса эмаслигини англайсан, энгил тортасан.

Қадимгиларнинг бу насихатини беҳиз эсламадик. Барчамизга аёнки, инсон ҳаёти боқий эмас, вақти келиб ҳар бир одам тўпроқ бағрига қайтади. Эҳтимол шунинг учундир мазорлар бошқа халқлар каби бизда ҳам азалдан муқаддас зиёратгоҳ сифатида асраб келинади. Эҳтимол шунинг учундир боболар ва момолар доим «қабристонга покиза бўлиб

асбоб-ускуналар олиб берилди. Бу ишларнинг бошида узокни кўзлаб иш тутадиган тадбиркор, етти ўлач бир кесадиған оқсоқол Солихўжа Норхўжаев турибди.

Шуниси диққатга сазоворки, қишлоқ фуқаролар йиғини худуди катта, аҳолиси кўп бўлишига қарамай, ҳеч ким, бирон муассаса эътибордан четда қолмайди. Зангиотадаги жазо-ни ижро этиш муассасасига ҳам фуқаролар йиғини томонидан вақти-вақти билан ёрдам кўрсатилади. Масалан, шу ерлик ишбилармонлар, фаоллар савй-ҳаракатлари билан шу йилнинг ўзида кийим-кечак тикиш учун мато, пахта ёғи, бир неча марта озик-овқат маҳсулотлари юборилди. Ҳарбий қисмдан ҳам тез-тез хабар олинади. Байрамларда санъаткорлар аскарлар ҳузурига ташриф буюриб, дилрабо куй ва қўшиқлари билан уларни хушнуд этишади.

— Келажақда баҳаримизимиз керак

монидида бир мақбара бор. Кексалар уни Ҳўжамозорбува қабри дейишади. Айтишларича, у кишининг асл исми-лар бошқача бўлган. Афсуски, бу тарихий жойга узоқ йиллар эътибор берилмади.

— Шу кунгача мақбаранинг ички қисми таъмирдан чиқарилди, — дейди ҳамроҳимиз. Сўнг мақбара атрофи ишора қилиб, сўзида давом этди: — Қўриб турибсиз, жой тор. Шунинг учун тўртта хонадонга бошқа ердан уй-жой қуриб бериб, кенг майдон барпо этишни режалаштириб қўйдик. Бу ерда келувчилар учун дам олиш хоналари, хиббон ва ҳовуз бўлади. Йўллар кенгайтирилади.

Ха, бу ишлардан қувониш керак. Биз жаҳонга чиқдик, жаҳон бизни таниди. Шундай экан, дунё аҳли улуг аждодларимизни ҳам билсин. Уларнинг хотирасига кўрсатаётган хурматимизга тани берсин.

лари яхши билишади. У 1996 йили Атлантада ўтган Олимпия ўйинларида бронза медални совиндорди

Юқоридида мустақиллик йилларида, биргина Зангиота туманидаги Зангиота қишлоғида амалга оширилган ибратли ишлар ҳақида ҳикоя қилдик. Аслида бу ерда тилга олса арзийдиган яна қанча янгилликлар бор.

Бунга мустақилликка мен нима бердим, деб ўзинг савол бериб, амалий иш билан ўзи жавоб қайтараётган Ватанимизнинг содиқ фарзандлари сидқидил меҳнатлари эвазига эришялляпти. Юртимизнинг шундай фидойиларидан бири Солихўжа Норхўжаев бўлади.

У билан кун бўйи бирга бўлсак-да, ўзи ҳақида айтарили ҳеч нарса демаянди. Бирга ишлайдиган, уни танийдиган одамлардан билдикки, оқсоқол одамийлик, саҳийлик бобида ҳам бошқаларга ибрат экан. Фикриямиз исботи сифатида бир мисол келтирсак: беш фарзандинг отаси, 15 набранинг суоқли бобоси 2002 йил бошидан шу кунгача моддий ёрдам сўраб мурувват этганларга ўз ҳисобидан 600 миң сўмдан зиёд пул тарқатилди.

Бу ҳиммат нима туфайли? Жавоб эса оддий ва пўнда. Истиқлол унга миллионлаб ватандошларимиз каби эрк ато этди. Имкониятларини, иқтидорини юзага чиқаришга шароит яратди. Бу шароитни қонун билан мустаҳкамлади. Халол меҳнати, интилиши орқасидан мулкдор бўлди. Энди баҳолуқдурат элига нафи тегаяпти, унинг қорига ярапти. Бу дунёда инсон учун энг катта бахт шу эмасми?!

Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ, «Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

Ибратнома

Бир маҳаллада бадавлат одам яшар эди. Бу одамнинг икки ўғли бўлиб, отаси уларни жуда ҳам талтайтириб юборганди. Бирон нимадан камчилик кўрмай, захмат чекмай ўсганлари учун улар маҳаллада энг тантик болалар эди.

МЕНГА БЕР СУВ

Оқил кўшниларидан бири болаларнинг отасига: - Кўшни, шу ўғилларингизнинг тарбиясига бироз эътибор берсангиз, сиз учун жуда яхши ва хайрли иш бўларди. Яхши тарбия кўрган болалар гўзал ахлоқли бўладилар. Кейин менга раҳмат дейсиз. Мен кексайиб қолган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тўтган, тажрибали одамман. Сиз ҳали ёшисиз, тажрибангиз ҳам оз. Агар ўзингиз доимо банд бўлсангиз, болаларингизга тарбия берувчи устоз топинг, уларга ахлоқ, одоб, яхши фазилатлар дарсини берсин. Шундагина вақти келиб сиз уларнинг роҳатини кўрасиз, менга раҳмат кўп давлат тўпладим. Бу мерос уларга бемалол етасин. Уларнинг устозга ҳам, унинг дарсларига ҳам эҳтижлари йўқ. Орадан йиллар ўтибди.

Болаларнинг бу муомаласидан ниҳоятда кўнгли оғриган ота, гафлат уйқусидан уйғонди ва шу заҳоти бир вақтлар узага ўғит берган, кўпни кўрган кекса кўшнисининг сўзларини эслади. Канчалик афсус қилмасин, лекин болаларни тарбия қилиш вақти ўтган эди. Ота-боболаримизнинг: «Дарахт ниҳоллигини эгилди, фарзанди эшилдида тарбияланади», деган ҳикматларидан гап кўп экан.

Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА тайёрлади.

Фанлар академиясининг Тарих институтида Марказий Осиё халқларининг этник тарихи масалаларига бағишланган илмий семинарининг илк йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзликни англаш тарихдан бошланади

Мазкур институт директори Дилором Алимова мустақиллик йилларида Президентимиз ташаббуси билан ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихини чуқурроқ ва ҳаққоний ўрганишга қаратилган жиддий эътибор, бу борда олиб борилаётган кенг қўламдаги илмий тадқиқотлар хусусида сўзлади.

Марказий Осиё, шу жумладан, ўзбек халқининг этник тарихи ва этногенези муаммоларини илмий асосланган янги маълумотлар билан бойитиш, сўнгги вақтларда олиб борилган тадқиқотлар натижасидан халқимизни кенг хабардор этиш ушбу туркум семинарларнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Замона либослари ШОЙИ, АТЛАС ВА БЕҚАСАМДАН

Ўзбекистон Бадий академияси марказий кўргазмалар залида модельер юртдошларимизнинг 2002-2003 йиллар куз ва қиш фаслларидаги мўлжаллаган «PRET-PORTE» (хар кунги) кийим-кечак тоифасидаги саккиз коллекцияси намойиш этилди.

Томошабинлар ҳукмига «Инсон либоси» галереясида Лола Сайфий, Шерзод Отабоев, Ирина Газарян, Валентин Чапурин, Наталья Варсапова «Premier Etage» (Гули Ҳақимова, Динора Усмонова, Мила Гайфулина) ва «Niluf» гуруҳлари ижодидан намуналар хавола этилди.

Хорижийки экан деб, дуч келган «латта-путта»га ёпишиш даври ҳам ўтди. Хамюртларимиз дид билан, қад-қоматларига ярашадиган кийим-кечакларни танлаш бошлади. Бозорлардаги, кўп сонли дўконча-

лардаги «арзон-у, тайини йўқ» либослар уларни зериктири бошлади. Хаммининг ҳам биров кўрса ҳаваси келадиган, бежирим ва кўли кўйлақлар кийгиси келадиган. Тўғри, пойтахтда юксак таъби харидорлар эҳтижидан шундан оладиган, хориж кутюрелари махсулотларини тасвия этувчи савдо нуқталари ҳам талайгина. Аммо, бу махсулотларнинг нархи осмонда... Ваҳоланки, иқтидор ва маҳоратда чет эл усталаридан қолишмайдиган ўзбекистонлик модельерларимиз ҳам бор. «Катта шахар чироқлари» деб ном-



Ўз мухбиримиз. СУРАТЛАРДА: кўриқдан лавҳалар. Е.БОТИРОВ олган суратлар.

ХАЛҚАРО ТУРНИР ЯКУНЛАНДИ

Чирчиқда шахмат федерацияси ташкил этилиши муносабати билан халқаро турнир бўлиб ўтди. Мусобақада Қирғизистон, Қозонистон ва Ўзбекистондан саксон олти нафар шахматчи иштирок этди.

Беллашувлар икки гуруҳда ташкил этилди. Биринчи гуруҳда тажрибали шахматчилар голиблик учун курашди. Кучли гуруҳда тўққиз имкониятдан 7,5 очкодан жамғарган чирчиқлик спорт усталарига номзод Леонид Козак ва сирдарёлик халқаро тоифадаги спорт устаси Собир Умаров галаба қозонди.

Ешлар ўртасида Осиё чемпиони Антон Филипов ва Абдурахман Қўчқоров 7 очко билан кейинги ўринларни эгалладилар. Шуниси эътиборлики, Чирчиқ шахмат федерацияси раиси Хусан Нурметов бошчилигида ташкилотчилар иккинчи гуруҳга умидли ёш шахматчиларни жалб қилди. Асосан 1,0 ёшгача бўлган спортчилардан иборат бу гуруҳда 12 ёшли Ўзбекистон чемпиони Хуршид Мустафоев голиб бўлди.

Зоҳир ТОШХҲАЕВ, ЎзА мухбири.

ХАЛҚАРО БОЛАЛАР РАСМЛАРИ ТАНЛОВИ

Яқинда мамлакатимиз пойтахтида Камолитдин Бекзод номидаги биринчи Тошкент халқаро болалар расмлари танлови бошланади. Шу тадбирга бағишланган оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот конференцияси ўтказилди.

Хорижий мамлакатлардан ҳам ёш рассомларнинг асарлари иштирок этидиган бундай танлов республикамизда биринчи бор ўтказилмоқда. Уни Ўзбекистон Бадий академияси ташкил этди. Танлов Ташқи ишлар, Маданият ишлари, Халқ таълими вазириликлари, "Соғлом ав-

луд учун" халқаро жамғармаси, Ўзбекистон Телерадиокомпанияси ва бошқа ташкилотлар томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Танловнинг Камолитдин Бекзод номи билан аталishi бежиз эмас. Бу жаҳон тасвирий санъати ривожига салмоқли ҳисса қўшган буюк министратурачи рассомга бўлган эҳтироридир.

Танловнинг олий мукофоти Гран-при ҳисобланади. У танлов голибига диплом билан қўшиб берилди. Кичик, атиорачи рассомга бўлган эҳтироридир.

Танловнинг олий мукофоти Гран-при ҳисобланади. У танлов голибига диплом билан қўшиб берилди. Кичик, атиорачи рассомга бўлган эҳтироридир.

«Осиё чемпионати — 2002» БОЙ БЕРИЛГАН ЙЎЛАНМА

Бирлашган Араб Амирликларида ўсмирлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионати ниҳоясига етди. Ўзбекистон ёш футболчилари гуруҳидаги муваффақиятли ўйинлардан сўнг чорак финалда майдонга эгаларини 3:0 ҳисобида мағлуб этиб, ярим финалга чиққан эдилар. Бироқ Жанубий Кореяга 4:0 ҳисобида ўйинни бой бериб қўйдилар.

Иккинчи ярим финалда мағлуб бўлган Хитой терма жамоаси учинчи ўрин учун мамлакатимиз футболчилари билан учрашиб, 1:0 ҳисобида устун келди.

Финал учрашувида Жанубий Корея ва Яман футболчилари бахс юритдилар. Асосий вақтда 1:1 ҳисоби кайд этилди. Қўшиб берилган ўттиз дақиқада ҳам ҳисоб ўзгармади. 11 метрлик жарима тўпларини тегишда омад корейликларга қўлиб боқди. Улар келаси йили ўтказиладиган жаҳон чемпионати йўланмасини кўлга киритдилар. Яманлик футболчилар билан бирга Хитой футболчилари ҳам жаҳон чемпионати иштирокчисига айландилар.

Нозоқат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

*СПОРТ *СПОРТ *СПОРТ *СПОРТ*

БИРДАМЛИК ВА УМИД МУСОБАҚАЛАРИ

29 сентябрь - 14 октябрь кунлари Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида XIV Осиё ўйинлари бўлиб ўтади.

Осиё қитъасининг 40 дан ортиқ мамлакатидан ташриф бурорадиган 11 мингдан кўпроқ спортчи Кореянинг энг йирик порт шаҳри ҳисобланган Пусан ҳамда унинг атрофидаги шаҳарларда жойлашган 43 та ўйингоҳда спортнинг 38 та тури бўйича медаллар учун кураш олиб боради.

Ушбу нуфузли спорт байрамининг бош ўйингоҳи бўлган Main Stadium 80 мингдан зиёд томошабинни ўз бағрига олади. Ўйинларнинг очилиш ва ёпилиш маросимига бағишланган тантаналар ҳам айнан шу ўйингоҳда бўлиб ўтади.

ХАЛҚАРО ТУРНИР ЯНА МАҒЛУБИЯТ

Мамлакат ўн биринчи миллий чемпионатида иштирок этаётган олий табақа жамоалари навбатдаги 23-тур учрашувларини ўтказдилар. Дарвозаларга 31 та тўп киритилди.

Бекободда ўтказилган пешкадалар баҳсида «Пахтакор»нинг омади юриши, Ўйиннинг дастлабки дақиқасида Леонид Козак ва сирдарёлик халқаро тоифадаги спорт устаси Собир Умаров галаба қозонди.

«Дўстлик» жамоаси ҳам учрашуви ўз майдонида ўтказди. Бу ерда ҳам дастлаб тошкентликларга омад қўлиб боқди. «Трактор» ҳужумчиси Илҳом Мўминжонов учинчи дақиқада ҳисобини очди. Танаффусдан сўнг эса, Алексей Кликунов ҳисобини тенглаштирди. 59-дақиқада Ойбек Усмоновжаев меҳмонлар дарвозасига иккинчи тўпни йўллаб, ўз жамоасини ҳисобда олдинга олиб чиқди. Учрашув тугашига санокли дақиқалар қолганда, Алексей Кликунов ҳисоби 3:1 га етказди.

Турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар кайд этилди: «Қизилқум» — «Андижон» 6:2; «Қўқон-1912» — «Бухоро» 1:0; «Зарафшон» — «Сўғдиёна» 5:1; «Нефтчи» — «Навбахор» 4:2; «Насаф» — «Самарқанд-Д» 1:0; «Сурхон» — «Машъал» 2:2.

ОЛИЙ ТАБАҚА ЖАМОАЛАРИНИНГ 25 СЕНТЯБРГА ЖАДВАЛДА ТУТГАН ЎРИНЛАРИ:

Table with columns: Jamoalar, U, Y, D, M, T-N, O. Lists teams like PAHTAKOR, NEFTCHI, KIZILQUM, NASAF, METALLURG, BUXORO, NAVBAHOR, DUSTLIK, ANDIJON, SAMARQAND-D, SURXON, SUGDIENA, TRAKTOR, ZARAFSHON, KUKON-1912, MASHAL.

ОЛТИ ЎЙИНДАН УЧТАСИ БАРБОД БЎЛДИ

Бу футбол бўйича нуфузли мамлакат миллий чемпионати шаънига ярашмайдиган ҳолдир.

Чемпионат тарихида бунақа ҳунук вазиятга дуч келинмаганди. Бир турда бир йўла учта техник мағлубият ва галаба кайд этилди. Турнир жадвалини бошқариб бораётган «Ўзбекистон» жамоаси бу сафар ҳам йирик ҳисобда галабага эришди. Пскентликлар «Цементчи» дарвозасига бешта тўп киритдилар. Олмалиқликлар эса битта тўп билан жавоб бера олдилар, холос.

Жадвалдаги бугунги вазиятга назар ташласак, чемпионат аяқланишига тўртта тур қолганда, медаллар тақдирини даярли хал бўлган кўринади. Чунки, «Акмал» жамоасининг қолган учрашувларда кетма-кет галаба қозониб, ҳеч бўлмаганда бронза медалига даъвогар бўлиши эҳтимолдан анча йирик.

Ўз мухбиримиз.